Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
9 ИЮЛЬ, 1969 й.
ЧОРШАНБА
№ 159 (923).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Пойтахтимизнинг БИР КУНИ

Ленинномa оқшомлари

Иррик илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари, олимлари пролетариат дохийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан республикада «Ленинномa оқшомлари» деган кечалар ўтказмоқдалар. Кечада Ўзбекистон фанининг эришган муваффақиятлари, совет давлатининг олиб ташқи сиёсати ҳақида мазмунли суҳбатлар бўлади. Бундай оқшомлар Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё областларида ўтказилди.

Бугун

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик секретари филология фанлари доктори М. Нурмуҳамедов бошчилигидаги олимлар Қорақалпоғистонга жўнаб кетдилар. Биология фанлари кандидати А. Зокиров раҳбарлигидаги, олимлар, илмий ходимлар группаси эса Қашқадарёда бўлади.

● ҚИШЛОҚ — ШАҲ АРГА.

ШАҲАР БОЗОРЛАРИГА

Оржоникидзе райони соҳибкорлари шаҳар аҳолиси учун ҳар куни тонналаб сабзавот маҳсулотлари жўнатиб туришибди.

Бугун

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг Неъмат Жумабеков бошлиқ сабзаворкорлар бригадаси коллективи 20 тонна картошка ва бошқа нозик-неъматини шаҳар бозорларига жўнатди.

Шунингдек, бригада деҳқонлари ҳар куни шаҳар консерва заводлари учун кўплаб бодринг, помидор, резаворлар тортиқ қилишяпти. 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 20-22 тоннадан сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб беришга бел боғлаган азаматлар кундан-кунга ҳосил карвонини кўпайтирмоқдалар.

Уй муборак

ҚЎША-ҚЎША БИНОЛАР

«Крупнопанельжилстрой» трестининг уй созлари меҳнати баракали бўляпти.

Бугун

улар Чилонзор массивининг 21 ва 22-кварталларида қўша-қўша уйларни қўлдан чиқардилар.

Яхши баҳолар билан фойдаланишга топширилган 7 та бинога тез кунда 500 га яқин оила кўчиб киради.

Шаҳримизнинг Локомотив кўчасида қад кўтарган шинам бинонинг фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекилди. 20 оилани ўз бағрига оладиган бу бинони 5-трестнинг 3-қурилиш бошқармаси коллективи қурди.

«Қорақамиш» массивида тайёр қилинган тўрт қаватли уй-жой биноси 48 оилага мўлжалланган. Уни «Ташжилстрой» трести фойдаланишга топширди. Бу уйларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб кира бошлашди.

МАКТАБ ҚУРИЛИШИ — МУҲИМ ИШ

Тошкент қайта бунёд этилмоқда. Кун сайин бирин-кетин қад кўтараётган муҳташам, шинам маъмурий ва уй-жой бинолари пойтахт ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилмоқда, меҳнат аҳлининг маданий ва маиший ҳаётини яхшилаш учун жуда катта имкониятлар яратиб бермоқда. Ўтган уч йил мобайнида қўли гул бинокорларимиз қуриб фойдаланишга топширган қарийб уч миллион квадрат метр уй-жой ва яна юзлаб маъмурий бинолар, шифохоналар, клублар ва кинотеатрлар, болалар боғчалари ҳамда мактаблар шулар жумласидандир.

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳар биримизнинг зиммамиздаги ғоят олижаноб, инсоний бурчимиз ҳамда Ватан олдидаги муқаддас вазифаларимиздан биридир. Бинобарин, хоҳ мактабда, хоҳ маҳаллада, хоҳ муассаса ва ташкилотларда бўлмасин, фарзандларимизга ғамхўрлик қилиш бутун жамоатчиликнинг диққат марказида турмоғи, бу муҳим соҳага умумхалқ, умумдавлат ишининг ажралмас таркибий бир бўлаги сифатида қаралмоғи лозим.

Ана шу нуқтаи назардан иш кўраётган бинокорларимиз мактаб қурилиши бўйича зиммаларидаги вазифаларни ҳамиша шараф билан белгиланган муддатларда бажариб келмоқдалар. Пойтахтимизда янгидан солинган ўнлаб мактаб бинолари фикримизнинг далили бўла олади. Бироқ барча қурилиш трестлари ҳам бу ишга ана шундай юксак онглилик билан қараяптилар, деб бўлмайди. Мактаблар қурилишининг бу йилги аҳволига назар солганимизда, кўпгина қурилиш ташкилотлари ишни ўзибўларчиликка эташлаб қўйганлари, хўжасизлик оқибатида мактаблар қурилиши ой сайин пайсалга солинаётганининг гувоҳи бўламиз.

Шу йилнинг фақат ўтган беш ойи мобайнидагина қарийб ўн беш минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари фойдаланишга топширилиши керак эди. Афсуски, битказиб берилиши кўзда тутилган мактаблардан биронтаси ҳам топширилмади. Шу давр ичида 8,2 миллион сўм капитал маблағдан атиги 3,5 миллион сўми ўзлаштирилди, холос. Қурилиш-монтаж бўйича беш ойлик план эса бор-йўғи 43 процент бажарилди.

«Главташкентстрой»нинг кўпгина қурилиш ташкилотлари мактаблар қурилиши планини бажармади. 159-трест бу соҳада айниқса ёмон ишламоқда. Бу трест бинокорлари 15-музика мактаби биноси қурилишини икки йилдан буён пайсалга солишмоқда. 3-қурилиш трести шу йил сентябрь ойида кўриб, фойдаланишга топшириши зарур бўлган мактабларда иш хавф остида турибди. 4-, 5- ва 6-қурилиш трестларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Инженерлик коммуникациялари бўйича ишларнинг вақтида битмай судралиб қолаётгани мактаблар қурилишининг бир меъёрда боришига айниқса гов бўлмоқда. «Сантехгазмонтаж», «Ташинжстрой», «Водоканал», «Ташгаз» ташкилотлари бундан хулоса чиқариб, ишда йўл қўйган нуқсонларини тезда бартараф этишга киришишлари керак.

«Главташкентстрой»да мактаблар қурилишини олиб бораётган трестлар ишини назорат қилиб бориш «Главташкентстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Каримовга юклатилган. Бироқ, ўртоқ А. Каримов бу ишга раҳбарлик қилишда сусткашлик кўрсатмоқда. Акс ҳолда сўнгги вақтларгача қурилиш объектлари одамлар ва модий техника ресурслари билан таъминланмаганини, қурилиш ишларини ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганини қандай баҳолаш керак?


Мактаблар қурилиши умумхалқ диққат-эътиборида турган энг ҳаётий масалалардан бири. Унга бефарқ қараш, сусткашлик кўрсатиш, бепарволик билан иш муддатларини чўзиб юбориш юзлаб фарзандларимизнинг қийналишига, мактабларда машғулотларнинг икки, ҳатто уч сменада ўтказилишига олиб келиши табиийдир. Шундай экан, ҳар бир мактаб қурилиши трест раҳбарлари, «Главташкентстрой» район партия ва совет ташкилотларининг диққат марказида туриши зарур.

Район партия комитетлари мактаб қурилиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир масалага сезгирлик билан қулоқ солмоқлари, қурилиш трестларига, бинокорларга бу ишда яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

«Главташкентстрой» мактаблар қурилишида йўл қўйган жиддий хатоларини бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўриши, бутун куч ва имкониятлардан фойдаланиб, битказилиши зарур бўлган объектларда ишни жадал суръатлар билан олиб боришни уюштириши керак. Янги ўқув йили бошланишига қадар қолган ҳозирги ҳар бир ғанимат кун шуни тақозо этмоқда.

Пойтахт мактабларини янги ўқув йилига бекамкўст тахт қилиб қўйиш учун барча тадбирлар пухта ўйлаб тузилган график асосида олиб борилиши керак. Фарзандларимиз учун қурилаётган ва 1969-1970 ўқув йилига фойдаланишга топшириладиган ҳар бир янги мактаб биноси бизнинг ёш авлодга янги ўқув йилида тортиқ этадиган ажойиб совғамиз бўлсин!

Янги лойиҳалар



ҚУВНОҚЛАР ТЕАТРИ

Республика лойиҳачилари кўпгина истеъдодли архитекторлар қатнашган эди. Жумладан, пойтахтнинг Хоразм ва Куйбишев кўчалари муюлишида қад кўтариши лозим бўлган республика қўғирчоқ театри биноси лойиҳачилари—И. В. Берегин, А. Козлова, Ф. Зокирова ва В. Штереншислар кўрик ғолиблари бўлишди.


Бугун

қувноқлар театри лойиҳасини чизиш ишлари тугалланди. Театр ўз қучоғига 1000 кичкинтойни сиғдираолади. Уч гектар майдонни эгаллайдиган бу театр замонавий услубда қурилади.

ПОЛИМЕРЛИ ЛИБОС

СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг Давлат лойиҳалаш конструкторлик-технология бюросида пахта бунтларига полимер плёнкали улкан чодирлар тайёрлайдиган дастгоҳлар ва жиҳозлар ишлаб чиқилди.

Янги таклиф пластмассалар бўлимида тугалланди. Унинг муаллифи инженерлар С. Бондаренко, А. Берлянд, Л. Вайсер, В. Вартересов, Л. Шарафуддинов, Л. Шулгалардир. Полимерли либослар шу йилнинг ўзида янги пахта ҳосилидан бунёд этилган юзлаб бунтларнинг устини қоплайди.



СУРАТДА: Салор ёнида яқинда қурилган ҳаҳвахона. Т. Тўрақулов фотоси.

ДЕҲҚОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Ташхимсельмаш» заводининг коллективи ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, мижозларининг буюртмаларини ўз вақтида адо этишга бел боғлаган. Машинасозлар пахтакор республикаларга кўплаб пуркагич машиналари жўнатиб, деҳқонларнинг оғирини енгил қилмоқдалар. Ўтган куни ва кеча завод дарвозасидан 48 та машина Қашқадарё областига йўл олган эди.

Бугун

эса машинасозлар қадимий ва навқирон Бухоро буюртмасини адо этишди. Бухороликлар учун 24 та пуркагич машина жўнатилди. Шундай қилиб, завод аҳлининг Ўрта Осиё республикалари пахтакорлари учун йил бошидан бери жўнатган машиналари сони 1670 тага етди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ГАСТРОЛ

Шу кунларда Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг гастроллари муваффақиятли ўтмоқда. Санъаткорлар «Вьетнам тонги», «Қайнона», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ғурбатда ғариб —Маҳтумқули» каби саҳна асарларини намойиш қилмоқдалар.

МЕҲМОНДЎСТ ЎЗБЕК ДИЁРИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

Тошкентда меҳмон бўлиб турган Сурия Араб Республикасининг Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретари, САР давлат бошлиғи ва Бош министри Нуриддин Атаси бошчилигидаги партия-давлат делегацияси 8 июлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ва республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ҳузурига ташриф буюрди.

Нуриддин Атаси билан бирга Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбаолиги ва Сиёсий бюросининг аъзоси, мудофаа министри генерал Ҳафиз Асад, Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси Мослиҳ Салим, Давлат министри Ҳишам Халлож, САРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Салоҳиддин Таросий ва суриялик бошқа меҳмонлар бор эди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов дўст араб давлати вакилларини самимий кутлади. У дўстона самимий суҳбатда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республика ҳаётида рўй берган ўзгаришлар билан азиз меҳмонларни таништирди.

Нуриддин Атаси республика раҳбарларига мурожаат қилиб, ўзи ва ҳамроҳлари шод-хуррамлик билан кутиб олинганликлари учун раҳбарларга ва улар орқали бутун Ўзбекистон халқига миннатдорчилик изҳор қилди. Дўстона суҳбатда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. М. Виноградов, Совет Иттифоқининг САРдаги элчиси Н. А. Муҳитдинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. Турсунов, Ташкент гарнизонининг бошлиғи генерал-лейтенант С. Е. Белоножко иштирок этдилар.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон меҳнаткашлари Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикаси давлатининг бошлиғи ва Бош министри Нуриддин Атаси бошчилигидаги Сурия Араб Республикасининг партия-давлат делегациясини шоду ҳуррамлик билан кутиб олмоқдалар.

8 июлда Тошкент Тўқимачилик комбинатида суриялик азиз меҳмонлар шарафига Совет-Араб дўстлиги шарафига самимий табрик садолари янгради. Тўқимачилар дўст мамлакат вакилларини корхонани кўздан кечиришга таклиф этдилар. Ўзбекистон далаларида етиштирилган пахтадан бу корхонада яхши сифатли газламалар тайёрланмоқда.

Нуриддин Атаси ва унинг йўлдошлари ўзбек дўстларининг меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишни Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда давом эттирдилар.

Посёлканинг марказий майдонида ҳурматли деҳқонлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, орденлилар меҳмонларни кутиб олишди. Колхоз раиси Ў. Жўраев делегация аъзоларига ҳурмат юзасидан колхознинг саҳий ерида етиштирилган нози-неъматлар қўйилган дастурхонга уларни таклиф этди.

Нуриддин Атаси ва унинг йўлдошлари уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловнинг ёдгорлик музейини кўздан кечирдилар.

Нуриддин Атаси ҳурматли меҳмонлар дафтарига шу сўзларни ёзди: «Биз бу ерда кўрган нарсалар социалистик тузумнинг тантанасидир».

Суриялик ҳурматли меҳмонлар Тошкентга қайтиб келганларидан кейин шаҳар бўйлаб сайр қилдилар. Улар зилзиладан кейин барча қардош республикалар бинокорларининг ёрдами билан қад кўтарган янги уй-жой кварталларини томоша қилдилар.

Шундан кейин суриялик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. Х. Арутюнян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. М. Виноградов, Совет Иттифоқининг Сурия Араб Республикасидаги элчиси Н. А. Муҳитдинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. Турсунов суриялик меҳмонлар билан бирга бўлишди.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 8 июлда Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг давлат бошлиғи ва Бош министри Нуриддин Атаси шарафига зиёфат бердилар. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Ш. Р. Рашидов ва Нуриддин Атаси нутқ сўзладилар. (ЎзТАГ).



СУРАТДА: меҳмонлар тўқимачилик комбинатида.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

☆ **7 июлда Москвадаги Меҳнат саройида ВЦСПСнинг коммунистик ва ишчи партиялар Кенгаши якунларига бағишланган пленуми очилди.**

☆ **СССР Министрлар Советининг Раиси А. Косигин Москвада ўтказилаётган VI халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети номидан самимий табриклади.**

☆ **КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 7 июлда расмий дўстлик визити билан Москвага келди.**

☆ **РСФСР Министрлар Совети шу йил 22 июлдан 31 июлгача Россия Федерациясида ўзбек адабиёти ва санъати декадасини ўтказишга қарор қилди.**

☆ **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация группалари кеча республиканинг шаҳарлари ва қишлоқ районларига жўнаб кетишди.**



«Главмосстрой»нинг бинокорлари Пушкин ва Жуковский кўчаларидаги «Марказ-1» микрорайонида кўпгина 9 қаватли замонавий турар-жой бинолари қурмоқдалар.

СУРАТДА: янги уйларни пардозлашда фидокорона меҳнат қилаётган зарбдор бинокорлардан Наталья Лагутеева ва Динс Кувшинникова ўртоқлар.

ДАСТЛАБКИ УЧ КИЛОМЕТР

Пойтахтнинг Шимоли-Шарқ массивида бунёд этилаётган учинчи трамвай-тролейбус парки доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги олдидан фойдаланишга топширилади.

Бугун

паркнинг дастлабки уч километрлик темир йўл рельслари ётқизилиб бўлингани ҳақида 7-трестнинг 71-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи монтажчилари рапорт беришди.

Темир йўл рельслари 10,5 километрдан иборат бўлиб, жаъми парк майдони 20 гектарни ташкил этади. Шу кунларда тролейбуслар турадиган участка майдонида ер ишлари тугалланди.

ПИОНЕРЛАР МАШЪАЛАСИ

Шаҳримиздаги мактабларнинг минг-минглаб ўқувчилари ёзги каникулларини ғоят мароқли ўтказмоқдалар. Чилонзор массивининг энг баҳаво жойига жойлашган Ю. А. Гагарин номидаги пионерлар лагерида меҳнаткашларнинг 400 дан ортиқ фарзанди мириқиб дам олди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТЛАР ВА НОТ

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари. дандир. Бу ишга «Главташкентстрой»га қарашли 7-трестда алоҳида аҳамият берилади. Бу борада айниқса, коммунист, трест бош инженери М. И. Камишев етакчилигидаги техника кенгаши иб. ратли ишлар қилялти.

Коммунист Камишев бош бўлган бу кенгаш ўн нишндан иборат. Янги техника ва техноло. гияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари кенгаш йиғилишларида вақти-вақти билан муҳокама қилиб турилади. Тегишли ўртоқларга керакли маслаҳатлар берилади.

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда 40-қурилиш бошқармаси участка бошлиғи, коммунист Мухтор Мелибоевнинг «Канализация трассаларини қис. қартириш» ҳақидаги таклифи кўриб чиқилди. Бу тадбир амалга оширилса, 10 минг сўм миқдорида иқтисодий фойда кўрилиши қайд қи. либ ўтилди. Ўтган йили ҳам бундай таклифлар. дан бир нечтаси ишлаб чиқаришга жорий этил. ган эди.

Техника кенгаши ишларини тўғри йўлга қўй. ишда ишчан коммунистлардан трест партия ташкилоти секретари Г. Без, катта инженерлардан З. Тўрабекова, О. Орипов сингари ўртоқлар ак. тив иштирок этишяпти.

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИЛАР

7-трест аппарати партия ташкилотининг секре. тари П. Т. Калдзаев раҳбарлигидаги сиёсий ах. боротчилар зиммаларидаги партия топшириғини сидқидилдан бажаряптилар.

— Сиёсий ахборот машғулотлари, — дейди Павел Трофимович,— ҳар ҳафтанинг душанба кунлари эрталаб соат 8 дан 4 минут ўтганда бошланади. Ахборотчиларимиз 13 кишидан иборат. Ҳар душанба кунигача махсус белгилан. ган ахборотчилар «Правда», «Известия», «Неде. ля» ҳамда маҳаллий газета журналлардаги асосий материаллар билан танишиб чиқишади. Сўнг трест аппарати, ишчи-хизматчилари ва инженер. техник ходимларини янгиликлардан баҳраманд этишади.

Сўнгги ҳафталарда бўлган ахборотлар комму. нистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши материалларини, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Уй-жой граждан қурилиши сифатини яхшилаш чоралари тўғриси. да»ги қарорини ўрганишга бағишланди.

М. ТУРОБОВ.

Бунёдкорлар ғалабаси

Тошкент аҳолиси учун 230 минг квадрат метр ту. рар жой биноси қуриб бе. ришни ўз зиммаларига ол. ган «Главмосстрой» нинг азамат қурувчилари янги Тошкентни барпо этиш иши. га катта ҳисса қўшмоқда. лар.

Шу ташкилотга қарашли Андрей Соколик бошчилик қилаётган 177-қурилиш бош. қармаси қурувчила р и 104732 квадрат метр турар жой биноси қуришга бел боғлаб, шу кунгача 93728 квадрат метр турар жой майдонини фойдаланишга топширдилар. Ҳозир азамат қурувчилар 231 та квартирага эга бўлган 11300 квадрат метрли турар жой бино. сини қуриб битказишмоқда. Яқин ойлар ичда бу бино ҳам фойдаланишга топширилади.

Бундай ғалабани қўлга киритишда Сергей Кузьмин бошчилик қилаётган комп. лекс қурилиш бригадасининг ғишт терувчилари Анастасья Раҳматова, Татьяна Шешлинкова, арматура. чи-пайвандчилар Николай Волков ва Рудольф Куличкий каби азамат қурувчиларининг ҳиссаси каттадир.

А. ИНОҚОВ.



СУРАТДА: «Подшип. ник» заводи йиғув. механика цехининг моҳир токари, коммунистик меҳнат зарбдори Владимир Наклейкин, Беш йиллик шахсий топши. риқларини В. И. Ленин юбилейига қадар бажа. ришга аҳд қилган В. Наклейкин смена топ. шириқларини 1,5 бара. вар адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

● *Ленинча меҳнат вахтасида*

Графикдан ўзиб

«Главташкентстрой»га қарашли 4-трестнинг 4-қурилиш-монтаж бош қармаси коллективи бош пудрат ишлари бўйича ярим йиллик планини 112 процент бажарди.

Кўпгина муҳим объектлар фойдаланишга топшириш учун тайёрланмоқда. Шу жумладан, Тошкент медицина институтига 60 ўринлик клиника қурилмоқда. Бунда З. Расулов бошқараётган комплекс бригаданинг ҳиссаси катта. Бу коллектив ҳамиша кунлик топшириқларини 140—160 процентдан бажармоқда.

Х. Юнусов бошқараётган комплекс бригада эса Черкасский кўчасида «Ўзхлодоторгмонтаж»нинг ишлаб чиқариш корпуси қурилишида намунали ишламоқда. Бригадада кундалик нормани бир ярим ҳисса бажариш одат тусига кириб қолган.

Бошқарманинг барча участка ва объектларидан В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кучайиб кетди.

Қурувчилар байрами шарафига

Биринчи уйсозлик комбинатининг 2-монтаж бошқармаси коллективи йил бошидан буён иш суръатини яхшилаб, олти ойлик қурилиш-монтаж ишлари топширигини муддатидан 10 кун олдин бажарган эди.

Ҳозир бошқарма Қўйлиқ — 1-микрорайонида уйларни монтаж қилмоқда, ҳаммаси бўлиб 50 минг квадрат метр майдонни ўз ичига олган уйлар пардозлашга топширилди. Бу ерда Ғинат Ҳамидуллин, Алексей Капенко ўртоқлар бошлиқ комплекс бригада аъзолари зарбдорларча ишламоқда. Ҳар икки коллектив ўзаро мусобақалашиб, кундалик норма бир ярим ҳисса бажаришмоқда. Пайвандчи Геннадий Маметов, монтажчи Василий Луенко, бетончи Тўрақул Нуриддинов каби пешқадамлар меҳнатда юксак натижаларга эришмоқдалар.

Бошқарма коллективи муваффақиятларни мустаҳкамлаб саккиз ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини Қурувчилар куни 10 августга бажариш учун мусобақани давом эттирмоқда.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ПАЙВАНДЧИ

У эсини таниб, ҳақиқий ҳаётга қадам қўйиши билан бирор касбнинг бошини тутиб, меҳр қўйиши билан ўстириб вояга етказган Ватанига хизмат қилишни ўйлади.

Ана шу илк орзу Акромни бинокорлик касбини эгаллашга ундади. Унда халқимизга чиройли бинолар қуриб бериш орзуси жўш урди.

Акром дастлаб Бухоро областида ғишт терувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик қурилишдаги бўлак касблар — дурадгорлик, пайвандчилик, бўёқчиликни ўрганди. Ўздўстлари Акромни «қўли гул» бинокор дейишлари бежиз эмас, албатта. Мана саккиз йилдирки, Акром пайвандчи бўлиб ишлаб келмоқда. У 4-трест 6-қурилиш бошқармасининг илғор ишчиларидан саналади. Акром зилзиладан бери ўтган вақт мобайнида битта мактаб, 48-квартирали турар жой, «Тошкентқабель» заводи ишлаб чиқариш биноларини қуриб битиришда актив қатнашди. Ҳозир В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи шарафига институтининг 4-қаватли қўшимча биносида пайвандлаш ишларини олиб бормоқда.

— Акромжон бошқармадаги энг ишчан киши, ёшларнинг устози сифатида ҳам обрў-эътибор қозонган,— дейди бош прораб Х. Тожибоев.

Ҳа, 13 йилдан бери бинокорлик касбида ишлаб келаётган А. Бобоев ёш ишчилардан Х. Шабунов, Ғ. Усмонов, С. Раҳматов кабиларга ўз касбини ўргатди. Ҳозир шогирдлари уста пайвандчилар қаторида меҳнат қиляптилар.

Пайвандчи А. Бобоевнинг ўзи эса кундалик нормасини 150-160 процентдан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

„Тошкент оқшоми" БОНГ УРАДИ

Гап кўп-у, ёғоч оз

Ёғочсозлик комбинати директорининг кабинети ҳар қачонгидек одамлар билан тўла. Ҳар кимнинг ўз ташвиши бор. Бировга ёғоч керак, бировга ишчиларнинг бекор туриб қолишидан ноилайди. Корхона директори Александр Яковлевич Железняковнинг ҳам ташвиши бошидан ошиб ётипти.

— Йил бошидан буён план тўлмаяпти. Ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 60 процент, маҳсулотни реализация қилиш плани 57 процент бажарилди, — дейди комбинат директори. — План бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан тўлмади. Биз планни тўлдиришимиз учун мутахассисларимизнинг ҳисобига кўра олти ойда 12000 кубометр ёғоч ва тахта маҳсулотларини олишимиз зарур эди...

— Саноат бошқармаси мутахассисларининг ҳисоблашича ундан ҳам кўпроқ, 15000 кубометр материал олиниши лозим,— деб директорнинг гапини бўлди корхона бош инженери Юрий Иосифович Тантарович.— Амалда у материалларнинг ярмисини ҳам олганимиз йўқ. Бунинг учун олий математикани билишнинг ҳожати бўлмаса керак. Мана рақамларга бир назар ташланг.

Чиндан ҳам корхона томонидан ярим йил давомида олинган ёғоч материаллари жуда оз. Ёғоч материаллар танқислиги туфайли саноат корхоналари бошқармаси ёғочсозлик комбинатига 5280 кубометр ёғоч ва тахта ажратди. Олти ой мобайнида бу рақам ҳам тўлмади: 750 кулометр кам, яъни 4535 кубометр ёғочсозлик материаллари келтирилди.

Топшириқ нима бўлди? Ёғоч материаллар кам бўлиши ва кам ажратилишига қарамай план олдингисича қолаверди. Саноат корхоналари бошқармаси планни ўзгартириш, имкониятга қараб иш тутишини ўйламади.

Мана, учинчи квартал бошланганига ҳам анча бўлди. Аммо иш суръатида мутлоқ ўзгариш йўқ. Бу ҳақда берган саволимизга корхона директори қуйидги жавобни берди.

— Ўзингиз ўйланг: йўқдан бор қилиш мумкинми? Учинчи квартални барча цехларда ишни тўхтатган ҳолда кутиб оляпмиз. Ёғоч ва тахта материаллари келмаяпти. Қачон келиши ҳам номаълум. Корхона территориясини тозалаб, станокларни тартибга солаётган ва чиқинди материаллардан уйсозлик учун ҳар хил мосламалар тайёрлаётган кишиларни ҳисобга олмаса, ишчиларимиз корхонага бекор келиб, бекор кетишяпти. Уларни қандай иш билан таъминлашни ўйлаб бошимиз қотган,— дейди комбинат директори.

Учинчи кварталнинг бошланиши суст бўлди. Бу кварталда комбинат 7150 кубометр тахта, 655 кубометр хода олиши зарур. Ундан ташқари 4600 кубометр ҳар хил ёғочсозлик материалларини олиш планлаштирилган. Амалда эса ҳеч қандай материал олингани йўқ.

«Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармаси 108 минг кубометр тахта материални биринчи навбатда етказиб бериш, 2500 кубометр хода беришни планлаштирди. Тўғри, 978 кубометр ёғоч материаллар келтирилди ҳам. Бу материалнинг ҳаммаси қайин бўлганлиги учун ҳеч нарсага ярамайди. Шу туфайли корхона ёғочни қайтариб юборади. Эшик ва дераза блокларига ишлатиладиган бошқа материаллар эса ҳамон келтирилгани йўқ.

Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, аҳвол шу даражада кетаверса, учинчи квартала ҳам план тўлмайди. Бу эса янги қурилаётган уй-жойлар ва бошқа биноларнинг эшик ва дераза ромлари, қўшдан муҳофаза қилиш мосламалари сингари зарур маҳсулотларга бўлган талабининг бажарилмай қолишига сабаб бўлади. Усиз ҳам суст қурилаётган уйлар муддатининг чўзилиб кетишига олиб келади.

Бундан икки ярим йил муқаддам янги корхона ишга туширилганда «Главташкентстрой» ва саноат корхоналари бошқармасининг раҳбарлари қурилишнинг дераза ва эшик ромларига бўлган эҳтиёжини қондиришда корхона асосий роль ўйнайди, дейишган эди. Қурувчилар янги корхонанинг қувватига умидвор бўлиб, тўла қувват билан ишлашни тоқатсизлик билан кутишди.

Корхона қурила бошлагандан буён ўз камқувватлигини баҳона қилиб бирор марта ҳам ойлик планини бажармади. Натижада ишчилар қўнимсизлиги вужудга келди. Мутахассислар корхонадан корхонага кўчиб юрди. Гоҳ у кам, гоҳ бу нам баҳона бўлди. Мана энди корхона тўла қувват билан ишлай бошлаганда эса ёғоч материаллар етказиб бериш пайсалга солиниб, ишни орқага сурамоқда.

Цехлар ва бригадаларда социалистик мусобақа юзаки уюштирилган. Ўз вақтида якунланмайди. Деворий газета, жанговар варақа вақтида чиқарилиб, илғорлар тажрибаси оммалаш-тирилмайди.

Хуллас, корхонада гап кўп-у, аммо ёғоч йўқ. Чиқиндилардан турли мосламалар тайёрлаш ҳисобигагина ишчилар иш билан таъминланиб турипти.

Мана июль ойининг ҳам биринчи ярми охирлаб қолди. Июнда олинган 396 кубометр тахта, 338 кубометр хода, 40 кубометр фанер ва бошқа ёғоч материаллар тугади. Ўрта Осиё темир йўли ёғоч материалларини вақтида етказиб бериш дан бош тортганлиги туфайли бундан буён қачон ёғоч материалларини олиш гумон бўлиб келди. Кун ўтаяпти... иш орқага судраляпти.

Шунча ташвиш етмагандек, ҳали оёққа турмаган корхонани саноат корхоналари бошқармасидан Ўрмон саноати министрлигига ўтказиш ҳақида гап кетмоқда. Шу туфайли на «Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармаси, на Ўрмон саноати бошқармаси раҳбарлари бу ҳақда ғамхўрлик қиляптилар.

Бу аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди. Камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш, нормал ишлаш учун шароит яратиш ва планнинг реал бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун корхонада етарли имконият, ташаббускор ишчилар ва ўз ишини яхши билган мутахассислар топилади. Фақат ташкилотчилик ва ташаббускорлик бўлса бас.

Х. ҲАКИМОВ,
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбирлари.

● *Тошкент бунёдкори*

ЯХШИ НИЯТ

Йигит чаққон ҳаракат қилар, қўлидаги асбобни моҳирлик билан ишлатар эди. Ундан икки қадам нарида турган ўрта ёшдаги киши унинг ишига қойил қолгандай бошини маъноли қимирлатиб қўйди.

Биз тилга олган йигит - пойтахтимизнинг «Марказ-5» кварталида ишлаётган Воронеж қурилиш-монтаж поездининг моҳир дурадгори Николай Викторович Ключниковдир.

Мен бу йигитни анчадан бери танийман. Николай ҳали ёш, ҳарбий хизматни тамомлагач ўз хоҳиши билан Тошкентга ёрдамга келган эди.


Ана шундан бери роппа-роса бир йил вақт ўтибди. Дурадгорлик сирларини мактабдаёқ ўргана бошлаган Николай Тошкентга келиб бу касбни пухта эгаллади. Бунда унга коллективнинг тажрибали дурадгорлари кўмак беришди. Тез орада у кунлик нормасини 1,5—2 ҳисса бажариб, ўзгаларга намуна бўла бошлади.

Ҳозирги кунда Николай Ключников Владимир Белоусов раҳбарлик қилаётган комсомол ёшлар бригадасида звено бошлиғи бўлиб ишламоқда. У раҳбарлик қилаётган звено бригададагина эмас, қурилиш-монтаж поездида ҳам пешқадамлардан ҳисобланади. Звено аъзолари ойлик планларини 150—160 процент бажариб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Чунончи июнь ойи планини ҳам 160 процент бажаришди.

Николай Ключников илмга чанқоқ ёшлардан.

— Менинг ягона ниятим,— дейди у —политехника институтига кириб ўқиш ва қўлимдан келганича халқимга хизмат қилишдир.

Қ. АҲМАДЖОНОВ.



Студентлар шаҳарчасида қад кўтарган «Сунъий яхмалак» ўз томошабинларини қабул қиладиган кун яқин. Бу ерда хоккей ва яхмалак ишқибозлари ўз севган спорт ўйинларини томоша қилишади, муз устидаги балет ижрочиларининг маҳоратидан баҳраманд бўлишади.

СУРАТДА: яхмалайнинг умумий кўриниши.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

● *Қишлоқдан хат*

ЎЗГАРИШ БЎЛАРМИКАН?

Бригадамиз бу йил 80 гектар ерга пахта, 70 гектар майдонга каноп экди. Дала шийпонимиз бригадамиз ерининг ўртасига жойлашган.

1958 йилда «Қизил туғ» участкаси (биз ишлаётган жойлар) Свердлов номли колхозга қўшилди. Шундан бошлаб бу участка орқада қолиб келяпти. Бизнинг унумли ишлашимиз учун яхши шароит яратиб берилмаган. Дала шийпони биздан 3—4 километр нарида. Дала шийпонига пиёда, гоҳо велосипедда бориб овқатланишга, сўнгра яна ўз жойларимизга қайтиб, ишлашга тўғри келади.

Тушки овқат пайтида уч соат дам оламиз. Ана шу пайтда қўнғилли ҳордиқ чиқариш учун бизларга етарли шароит яратилмаганлигини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Кундалик янгиликлардан яқиндан таниша олмаймиз. Дала шийпонимизга электр ўтказилмаган, радио йўқ. Газета ва журналларни кўрмаймиз. Мана, икки йилдирки, бирорта лектор ёки агитатор қорасини кўрсатмайди.

Биргина менинг ўзим ёзилган газета ва журналлар 32 сўмни ташкил қилади.

Бошқа колхозчиларнинг хонадонлари ёзилган газета ва журналлар ҳам меникидан кам эмас. Бироқ биз бу газета ва журналларнинг бирортасини ололмаяпмиз. Почтальон бу газета ва журналларни ўз вақтида қишлоққа олиб келмайди. Сабабини сўрасак, «машина бузилди», бўлмаса «газета келгани йўқ» деган баҳоналарни кўрсатишади. Газета-журналларни олиб келишганда ҳам биз ўзимиз ёзилган обунани тўлиқ ололмаймиз.

Бу хатдаги гапларни уч-тўрт йилдан бери колхоз правлениесига, райижрокомга, райондан келган вакилларга, участка бошлиғига, парткомга айтганимиз билан ҳеч қандай ўзгариш юз бермаётир. Эндиликда биз хат билан сизларга мурожаат қилаётирмиз. Бизга кундалик янгиликлардан хабардор бўлишимизда ёрдам берарсиз, деган умиддамиз.

Юқори Чирчиқ райондаги Свердлов номли колхознинг 12-бригада аъзолари номидан.

А. СИДДИҚОВ.

◆ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„КИНО ЗАЛИ НЕГА БЎШ?"

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 16 май сонида чиққан материалда Ғафур Ғулом номидаги кинотеатр залида бўлиб турадиган тартибсизликлар, бунга нисбатан эса ҳеч қандай чора кўрилмаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар кинолаштириш бошқармасидан олинган жавобда бундай дейилади:

Газета материали кинотеатр ходимлари ўртасида муҳокама қилинди. Кинотеатр адресига қилинган танқид тўла тасдиқланди. Контролерлар ва навбатчи администраторлар қаттиқ огоҳлантирилди. Ишдаги нуқсонларни тугатиш ва аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Шунингдек, Октябрь район ички ишлар бўлимига кинотеатрда тартиб ўрнатиш, жамоат тартибини бузувчиларга нисбатан чора кўриш масаласида мурожаат қилинди. Кинотеатр коллективи тартиб ўрнатишга алоҳида эътибор бериши зарурлиги кўрсатилди.

ЖОНАЖОН Ватан бўйлаб

ТОШКЕНТ МУЗЕЙИГА ТУҲФА

БОКУ. (ТАСС). В. И. Ленин музейининг Боку филиали Ўзбекистон пойтахтида барпо этилаётган В. И. Ленин марказий музейи филиалига Ильичнинг СССР ва дунё халқлари тилларида нашр қилинган асарларини, доҳий асарларининг бир қанча дастлабки нашрларини тортиқ қилди.

Бокуликлар Тошкентдаги ҳамкасблари учун «Ленин ва Озарбайжон» деган виставка тайёрлаяптилар.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

МИНСК. Республика «Белорусь» нашриёти В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган китобларни нашр этишнинг кенг программасини амалга оширмоқда. Ленинниинг айрим асарларидан иборат кутубхонача босилмоқда. Бу кутубхоначада Ленинниинг «Коммунизмда болаларча «сўллик», касали», «Ишлар союзларининг вазифалари», «Буюк почин», «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» ва бошқа шу каби мақолалари ҳамда асарлари бор.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг авторлар коллективи ёзган «В. И. Ленин. Қисқа биографик очерк» деган китоб белорус тилига таржима қилинди ва нашр этилмоқда.

«Белоруссия меҳнаткашларининг В. И. Ленин мактублари» деган тўплам белорус халқининг Ильичга бўлган қизғин муҳаббатини ҳикоя қилади. Ленин мавзуига бағишланган бадиий адабиёт асарларига катта эътибор берилмоқда.

(ТАСС).

«ИДЕАЛ» КРИСТАЛЛАР

ТБИЛИСИ. Грузия Фанлар академиясининг металлургия институти алюминий, мис ва темир қотишмаларида нуқсонсиз, бирон-та ҳам майда пуфакчасиз кристаллар олишга муваффақ бўлди.

Қотишма қуйиш сўнгги босқичида пуфакча шаклидаги микроскопик нуқсонлар вужудга келади. Ана шу пуфакчалар ўз атрофидаги муҳитдан газ ва чет аралашмалар каби эриган моддаларни бағайни ўзига тортиб олади». Шундай қилиб, кристалл ичида аномал структура ҳосил бўлади. Мазкур қотишмаларни электрон-микроскопик тадқиқ этиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, вакуум «пуфакчалар» суюқ моддани ўтказиб юбориш хусусиятини узоқ вақт сақлаб қолувчи каналлар тармоқлари билан ўзаро боғланган экан.

Ҳўш, ана шу каналлар орқали кристаллар орасидаги пуфакчаларга қўшимча миқдор суюқ қотишмани мажбурий тартибда юборилса қандай бўларкин? Бунинг учун ошиб борувчи босим методидан фойдаланилди. Ана шу метод моддада ҳосил бўлувчи бўшлиқларни бетўхтов тўлдириб туриш имконини берди.

Мутахассислар лаборатория ўстановкаларида ҳосил қилган қуйма металлнинг чўкувчанлиги ва пишиқлиги ҳозирга қадар эришилганидан анча юқори бўлиб чиқди.

(ТАСС)



ТАТАРИСТОН АССР. Қозон Матбуот уйида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган Бутунроссия кўчма китоб кўргазмаси очилди. Кўргазмага доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи 400 китоб қўйилган.

СУРАТДА: кўргазма экспозицияларидан бири.

Б. Мясников фотоси. (ТАСС фотохроникаси)

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

МИЛЛИОН ВА ЮЗ

Шаҳримиз 3 да миллиондан ортиқ киши яшайди. «Химчистка» фабрикасининг юз кишилик меҳнат аҳли улар хизматида.

Фабрикага кириб борищимиз билан биринчи галда кийимлар қабул қилиш бўлимига кўзимиз тушади. Ҳозиргина бу ерга машина келиб тўхтади. Унда келтирилган кийимлар биринчи қабул пункти учун ажратилган каттакон яшчикка жойланди. Бу бўлимда ана шундай яшчиклардан ўттизта бўлиб, ҳар бири шаҳримиздаги битта қабул пунктига хизмат қилади.

Фабрика директори Султон Отахўжаевни ана шу ерда учратдик ва у билан фабрикани айлана бошладик.

Кийимларни тозалаш бўлимидамиз. Қорачадан келган ўрта бўйли йигит баҳайбат машина мурватини бурар эди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, кийимлар топ-тоза бўлиб чиқмоқда.

Хотин-қизлар қўл меҳнатини енгиллаштирувчи машиналар яқиндагина ГДРдан келтирилган. Ана шу машиналардан бирида: «Бу ерда Татьяна Родионова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ишлайди»,— сўзлари битилган вимпель турибди. Бригада тўрт кишидан иборат. Улар смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб бажаради. Азаматлар беш йиллик шахсий топшириқларини шу йил бажаришга аҳд қилишибди.

Фабрикада Роднонова бошлиқ бригада аъзоларига эргашаётган ишчилар сони ортмоқда. Коммунист Шуҳратой Комилова ҳам ана шулардан бири. Биз унинг ишига завқланиб қарадик. У одам шаклидаги моделларга костюмларни бир зумда кийгизар, мурватни бураши билан костюмлар буғ ёрдамида дазмолланиб қолар эди. Бунинг учун 30 секунд кифоя қилади.

Иккинчи қаватдаги тозалаш бўлимидан пастга тушаётганда янги дазмоллаш машинасига кўзимиз тушди. У ҳам ГДРдан келтирилипти. «Каланда» маркали бу машина яқин кунлар ичида ишга тушади. Унда чойшаб, ёстиқ жилдлари, сочиқлар дазмолланади. Бу билан ётоқхона, шифохона, болалар муассасаларидан олинадиган буюртмалар дазмолланади.

Қўшни хонада кийимлар бўялади. Сочларига оқ оралаган Зелик Ираилович Брук катта қозонларни эслатувчи ванналардан бўялган кийимларни қуритиш хонасига олиб чиқяпти. Зелик Ираилович бу ерда кўп йиллардан бери ишлайди. Ҳозир у билан бирга бир неча шогирдлари меҳнат қилмоқда. Смена давомида бу ерда 200—300 кийим бўялади.

— Кейинги пайтларда,— дейди С. Отахўжаев,— сифатга катта эътибор бераётирмиз. Чунки, ўтган йили баъзи сабабларга кўра сифат жиҳатидан анча оқсаб қолган эдик. Бу масала коллектив ўртасида муҳокама қилинди. Тозаланадиган ва бўяладиган кийимларнинг сифатини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Ийл бошидан бошлаб кийимларни тозалаш ва бўяш сифати яхшиланади. Буни яқиндагина фабрикамизда бўлган Москва маиший хизмат кўрсатиш институтидан келган мехмонлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Фабрика коллективи Москва, Ленинград, Киев, Олмаота каби шаҳарлардаги «Химчистка» фабрикалари билан ўзаро алоқа боглаб келади. Бу меҳнат унумдорлиги н и н г ўсишида янгиликларни ишга жорий қилишда ижобий самара беряпти.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида олтита кўчма қабул пункти ташкил қилинди. Буларга олтита машина ажратилди. Машинадаги кўчма қабул пунктлари ҳафтанинг маълум кунлари ишлайди. Бу пунктлар бевосита хонадонлар, корхоналар, муассасалардан буюртмалар қабул қилади ва уларни тозалаб эгаларига элтиб беради. Чилонзор, Янгиобод, Бешқайрагоч массивларидаги кўчма қабул пунктларида иш айниқса яхши йўлга қ ў й и л г а н.

Чилонзор ва 4-уйжой массивларида янги «Химчистка» фабрикалари қуриш иши бошлаб юборилди. Бу фабрикалар келгуси йилда фойдаланишга топширилади. Янги фабрикаларнинг ишга тушиши мавжуд «Химчистка» фабрикасининг ишини енгиллаштиради. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга ёрдам беради.

Э. ҚОДИРОВ.



Узбекистон Госплани қошидаги илмий-техника кутубхонаси ўз ўқувчиларига намунали хизмат кўрсатяпти.

СУРАТДА: кутубхона бўлимларидан бирида. М. Нуриддинов фотоси.

Китоблар оламида

„ЎЗБЕК СОВЕТ БОЛАЛАР АДАБИЁТИ“

«Болаларни тарбиялаш — катта истеъдод, кенг ҳаётий билим талаб қиладиган буюк давлат ишидир».

Совет адабиётининг асосчиси Максим Горькийнинг инсон умрининг сўнмас юлдузи — болалар тўғрисидаги ҳаққоний сўзлари бизнинг замонамизда ўз ифодасини топган. Яқинда «Иш гвардия» нашриёти китобхонларга тақдим этган «Ўзбек совет болалар адабиёти» номли илмий-адабий мақолалар тўплами катта аҳамиятга эгадир. Китоб адабиётшунослар ва ёзувчиларнинг болалар адабиёти ҳақидаги мақолаларидан ташкил топган. Комил Яшин, Шукур Саъдулла, Қудрат Ҳикмат, Абдулла Сунамов, Абдулла Олимжонов, Ўткир Рашид, Лидия Бать ва бошқа ўртоқлар томонидан ёзилган мақолалар ўзбек совет болалар адабиёти тараққиёт босқичлари ҳақида ҳикоя қилади.

МАКТАБ РАДИОУЗЕЛИ

«Ўқитувчи» нашриёти Борис Моисеевич Якубовнинг «Мактаб ўқитувчиларига ёрдам» рубрикасида чоп этган «Мактаб радиоузели» деб номланган китобчаси мактаб ўқитувчилари учун яхши қўлланмадир. Брошюра совет радиотехникасининг тараққиёти ҳақида, мактаб радиоузелининг тузилиши, радиоузелдан олиб бориладиган эшиттиришлардан кўзда тутиладиган асосий мақсад ҳамда радиотўгарак машғулотларини н и т тахминий плани тўғрисида маълумот беради.

К. МАЛИКОВ.

ФАРЗАНД ҚУШИҒИ

Меҳр қўйиб кичик боғимга
Мен экканман кўп атир гуллар,
Бу ҳусндир ёшлик чоғимга,
Гуллар билан хурсанд кўнгиллар.
Боғим катта гул ватанимнинг
Бир кичкина, гўзал парчаси,
Боғ яйратар жону-танимни
Бу богдадир кўнглим ҳавоси.

МЕҲНАТ ДАВРОНИ

Гуллар — ҳаётимиз лирик оҳанги
Чаманлар бағрини очар булбулга,
Қўшиқ билан отар ўлкамиз тонги,
Ором бағишлайди хушнуд кўнгилга.
Дўстингга тутасан вафо гулини,
Меҳмонга гулдаста — қадимий одат
Дўстлар эрдоқлашар ўзбек элини,
Бу элда гул каби бахту саодат.
Гул фасли наврўзи олам кезидир,
Дилларни забт этар ҳаяжон, туйғу.
Бу лобар қизларнинг босган изидир,
Ҳуснидан ёғилар қўшиқ ва орзу.
Боғлар, адирларда навбаҳор фасли,
Узоқдан келади наво куйлари,
Инсонлар умрининг чиндан бу асли
Юракка, кўнгилга даво куйлари.
Гулдек ҳаётимиз, гулдаста бўлиб,
Тўлиб-тошаверсин, боғлар даврони.
Йигитлар далада қувватга тўлиб,
Бўстонга айлансин, дала, майдони.
Гуллар ҳаётимиз майин оҳанги
Чаманлар бағрини очар булбулга
Қўшиқла отади ўлкамиз тонги
Ором бағишлайди хушнуд кўнгилга.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Ажойиботлар

АЖИБ ҚИЗ

Эрон қишлоқларидан бирн — Дамғанатда истиқомат қилувчи Музаффар исмли деҳқон оиласида ажиб бир қиз дунёга келди. Қизалоқ уч кунлик бўлганида, ота ва оналари таниди. Бир ойлик бўлганида, бемалол ўтириб ўйнайдиган, икки ойлигида эса сут, гуруч ва гўштдан тайёрланган таомларни ейдиган бўлди. Уч ойга тўлганда, эмаклаб юра бошлади. Қизалоқ олти ойлигида оғирлиги саккиз килограмм, бўйи 60 сантиметрга етди. Ақл ва идрок борасида эса у тўрт яшар болани эслатарди.

АЖАЛ ЗАҲРИ

Қўз ойнакли илон заҳри ажал келтириши аниқ. Унинг 25 миллиграмми отни ўлдиради. Аммо сувости ҳайвони голотуриянинг заҳри кўзойнакли илон заҳридан ҳам кучлироқ экан.

БИР МЕРОС ТАРИХИ

Яқинда бир бадавлат инглиз амалдори Семпилл вафот этди. У ҳали дафн этилмай, мероси кимга қолиши масаласи ўртага тушди. Гап шундаки, Семпиллар авлоди тао милига кўра, ўлганнинг мол-мулки фақат ўғил фарзандгагина қолиши мумкин. Шунга кўра, мерос тақсимловчи комиссиянинг ҳоли танг бўлиб қолди. Чунки Семпиллнинг фақат қирқ ёшли қизи бор эди. Яқинда шу қиз врачлар ёрдамида «эркаклик» даъво этиб, меросни талаб эта бошлаган. Эндиликда юристлар қандай ҳукм чиқаришга ҳайрон.




Ҳоразм области. Янгиариқ район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари тўгараги район колхозларининг дала шийпонларига чиқиб, тез-тез пахтакорларга ажойиб кўнгилочар программа бўйича концертлар ташкил этиб турадилар.

СУРАТДА: маданият уйи ҳаваскорлари 1 Май номли колхознинг дала шийпонида тушки дам олиш пайтида концерт қўйиб бермоқдалар.

К. ОТАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

Планетамиз янгиликлари



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Софиядаги «Народно собрание» (Халқ мажлиси) майдонининг кўриниши.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

ТОКИО. 50 минг аъзоси бўлган тўқимачилик саноати ходимлари касаба союзларининг федерацияси иш ҳақини ошириш учун олиб бораётган курашида ғалаба қозонди. Федерация 9 июлда 24 соатлик забастовка ўтказмоқчи бўлганлигидан вахимага тушиб қолган хўжайинлар ён беришга мажбур бўлишди. Тўқимачилик саноатининг бир қанча тармоқларидаги ишчиларнинг иш ҳақи кўпайтирилди.

ЛОНДОН. Инглиз меҳнаткашларининг ўтган ҳафтадаги энг катта забастовкаси ишчиларнинг ғалабаси билан тугади. «Лейланд» компанияси заводларидаги тўққиз мингга яқин автомобилсоз ишчилар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўзларининг талабларини тўла равишда бажартиришга муваффақ бўлишди. Ливерпуль ва Беркенхеднинг 10 минг докери ҳам катта ғалаба қозонди. Улар уч кун иш ташлаб, натижада хўжайинларни меҳнаткашларнинг иш шароитини қайта кўриб чиқишга рози бўлишга мажбур қилдилар.

САНТЬЯГО. Чили жанубидаги Каутин вилоятида Вилья-Арика ва Кильхота қишлоқларининг тоқати-тоқ бўлган аҳолиси катта бойларнинг ерларини босиб олишди. Шу вилоятларнинг маъмурлари деҳқонларга қарши курашиш учун юборган солдатлар 26 кишини қамаб қўйди. Кокимбо вилоятидаги ўн саккиз мулк эгасининг қўлида ишлаб турган бир неча юз деҳқон ва қишлоқ хўжалик ишчилари ҳамер учун, турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун курашмоқда. Улар бундан икки ҳафта олдин эълон қилинган забастовкани давом эттирмоқда.

(ТАСС).

СТУДЕНТЛАРДАН ҚЎРҚМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Парагвай ҳукумати студентлар ғалаёнини кучайтириб юбора оладиган барча «оғзаки ва ёзма» ахборотларни тақиқлаб қўйди. Ана шу ғалаёнлар Нельсон Рокфеллер бу ерга келганида бошланган эди, деб хабар беради АП агентлигининг мухбири.

Парагвай ҳукуматининг расмий декретида бундай дейилади: янги декретни бузган газеталар, радиостанциялар ва оммавий информациянинг бошқа воситалари дарҳол ёпиб қўйилади.

СЕУЛ КЎЧАЛАРИДА ТЎҚНАШУВЛАР

ЛОНДОН. (ТАСС). Сеул кўчаларида студентлар билан полиция ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда, деб хабар беради Рейтер агентлигининг мухбири Жанубий Корея пойтахтидан. Сеул университетларининг тўрт мингга яқин студенти қўғирчоқ режимнинг «президент»и Пак Чжон Хини учинчи муддатга ҳокимият тепасида қолдириш тўғрисидаги режасига қарши норозилик намойишида қатнашди.

Полициянинг яхши қуролланган отрядлари билан бўлган тўқнашувда 20 студент яралор бўлди ва 60 студент қамоққа олинди.

(ТАСС).

Олимп тоғидаги кенгаш

ФЕЛЬЕТОН

Кейинги кунларда Грецияда юқори доирадаги кенгашлар кўп ўтмоқда. Шунчалик кўпки, унинг сони 2917 тага етди. Кенгаш ҳаммага маълум жойда —Фессалиянинг шимолишарқидаги Олимпия тоғининг чўққисида ўтмоқда.

39-йили, яъни бундан 1930 йил муқаддам Афинада тайёргарликни кўздан кечиргандан сўнг Гермес деган хабарчи юнонларнинг худоси Зевсга борибб, юнонлар Олимп ҳукмдорларига қарши қўзғолон кўтарганликларини хабар қилган эди. Ушанда худоларнинг худоси чаккасини ушлаганича ўйга толган, сўнгра худолар кенгашини чақириб, шундай деган эди:

— Олимп худолари ва уларнинг ёрдамчиларига тоғдан водийга тушишларини буюраман. Улар вазиятни аниқлаб, Юнонистондаги воқеалар тўғрисида менга ахборот келтиришларн зарур. Бу орада мен бироз мизғиб оламан. Саволлар борми!

Саволлар бўлмади. Зевс узлатга чекилиб, бемалол уйқуни урабверди.

Олимп худолари пастга тушганларида ажойиб Элладанинг одамлар кўз ўнгида вайрон бўлаётганини кўришди. Худоларнинг шарафига бунёд этилган ҳайкаллар бузиб ташланаётган эди. Худолар тўпланишиб, бутун аҳволни таҳлил этдилар-да, муҳр босиб, Зевснинг уйғонишини кутиб архивга йўл олишди. Асрлар ўтди, аммо Зевс ҳамон уйқуда. Худолар ташвишга тушди. Ниҳоят, Зевснинг калласидан тутилган оқила худо — Афина отасининг ётоқхонасига патефон келтириб, пластинкани қўйиб юборди. Зевс киприкларини пирпиратиб очди-ю, ҳайрон бўлиб атрофга қаради:

— Чамамда, бироз мизғиб олибман шекилли,— деди-да кўзларини уқалади.

— Мизғиганинг шу бўлса,— дея ғина қилди унинг хотини Гера.— Салкам икки минг йил ухладинг-а. Биласанми, ҳозир 1969 йил... Худолар кенгаши сенн кутяпти.

Кенгашда Зевс ўз яқинларининг галати кийимларини кўриб кўзларига ишонмади:

— Бу қанақаси!! Майнавозчилик ҳам эви биланда!— дея жеркиб ташлади, худоларни.

Денгизлар худоси Посейдон флот офицери киймида эди. Уй-рўзғор худоси муъжазгина Гестин ошхона халатини кийиб олган, касб-кор худоси чўлоқ Гефест жигарранг коржома кийиб олган, унинг ён чўнтагида хилма-хил калитлар ва ҳисоблаш чизғичлари осилиб турарди. Денгиз кўпригидан туғилган муҳаббат худоси Афродитага Зевс сира қараёлмасди, чунки хотинининг рашкидан қўрқарди.

Зевс столни мушти билан бир урди-да:

— Рапортларингизни тингламоқчиман! Сўнгги воқеалар ҳақида ҳисобот тайёрлаганмисизлар!— деб сўради.

Хабарчи Гермес транзисторини стол устига қўйди-да, сўз бошлади:

— О, Зевс! Ҳаммамиз сенга қайғули хабар келтирдик. Гўзал мамлакатимизда диктатура ҳукм сурмоқда.

— Диктатура! Бунисига бало бормиди!

— Гап шундаки, демократия қулатилди. «Демос» ва «кратос» деган ажойиб сўзларимиз энди маъносини йўқотди. Мамлакатни полковниклар бошқармоқда.

— Қанақа новник сўзларни гапиряпсизлар! Сўзларингдан ҳеч нимани тушунолмаяпман.

— Сен ухлаб ётганингда Олимп ҳокимиятдан ажралди.

— Ҳокимият ҳозир кимнинг қўлида!

— Эҳ-ҳе, ҳокимият қўлдан-қўлга ўтиб турибди. Лекин ҳеч қачон халқнинг қўлида бўлмади. Ҳозир полковниклар қўлида.

Зевснинг жон-пони чиқиб кетди. Мушти билан столга бопаб туширди. Йўқ, бундан на момақалдироқ, на чақмоқ ҳосил бўлди. Яна мушт урган эди, бармоғини майиб қилди. Худолар бир-бирига қараб қўйишди. Зевс рафиқаси Герага савол назари билан нигоҳ ташлади. У Зевсга ичимлик олиб келди. Уни ичиб олдида, афтини бужмайтириб сўради:

— Нима бу ярамаслик! Заҳарни ким солди бунга!

Гера кулимсиради:

— Эй жонгинам, Зевс, бу америка виски солинган кока-кола-ку! Ҳатто полковниклар нинг ўзлари ҳам ичишади.

Аполлон электр гитараси қўлга олди-да, «бузғунчиликка шон-шарафлар» деган америка қўшиғини айта бошлади.

— Бас!— деди Зевс қўшиқни бўлиб. —Бундай бемаъни қўшиқ қадардан келиб қолди!

Аполлон ҳиёл эгилиб, жавоб берди:

— Микис Теодоракис қўшиғини жоним билан айтиб берардим-у, аммо полковниклардан қўрқаман. Унинг қўшиғини фақат яширинча айтиш мумкин.

— Микис Теодоракис деяпсанми! Эсхил спектаклларида тор чаладиган кишини айтяпсанми!

— Йўқ, жоним Зевс! Теодоракис ҳозирги Элладанинг буюк композитори. Уни Афинадан даҳшатли Аркадий тоғлиги ўлкасига қувғин қилишди. Теодоракис Эсхил, Сухрат, Эврипид каби ҳавфли одам. Полковниклар ундан жуда қўрқишади.

— Тили аччиқми!

— Ундан ҳам ҳавфли. Унн демократия дейдилар.

— Аполлон! Бемаъни гапларингни қўй. Сенчи, Дионис, бояги ичимлигингдан қуйиб бер.

Зевс Посейдонни имлаб чақирди-да, буйруқ қилди:

— Эй денгизлар ҳокими, тўлқин ва бўронлар жиловкори, айтчи, сен фармонимни қай тарзда бажардинг!

— Ҳечнимани бажарганим йўқ. Ҳозир Онассис савдо флотини бошқармоқда. НАТО эса ҳарбий флотга бош бўлиб олган. Улардан менга кун йўқ. Атлантика қўшинини айтишга мажбур қилишяпти. Қўшиқни энди полковниклар бошқаришяпти.

— Бу қўшиқларни ким ёзган!— Унинг сўзини бўлди Зевс.

— Пентагон деган буюк композитор ёзган...

— Борган сари аҳвол оғирлашмоқда,— оғир нафас олди Зевс ва Афродитага қараб:

— Гўзал Афродита, нимани чайнаяпсан!— деб савол берди.

Муҳаббат худоси ҳаяр кўйлагини йиғиштириб олди-да, шўх жавоб қилди:

— НАТО солдатлари билан қилаётган алоқаларим туфайли чайнайдиган резина оляпман. Энди муҳаббатни шунга алишдим.

— Тентак, нега валдираяпсан!— жаҳлдан кўкариб кетди Зевс.

Аммо кўп ўтмай, у жимиб қолди. Оқариб кетган чаккасини арта-да, оқила худо Афинага сўз ташлади:

— Менинг доно қизалоғим Афина, қани сен айтчи. Грецияда нималар бўляпти! Бу ерда гиларининг сўзига ишонмайман ва ҳеч нимага тушунолмаяпман.

— Бузрукворим Зевс!— гамгин жавоб қилди Афина. — Ҳукмронлигимиз битди. Шонримиз Сафо энди «гўзал мамлакатдаги ажойиб халқ» ҳақидаги қўшиғини айтмаяпти. Тўғри, мамлакатимиз ҳали ҳам гўзал. Лекин халқ мотам либосида. Мамлакатимизнинг энг яхши ўғил ва қизлари қамоқларга ташланди, ёки Аркадий тоғига жўнатилди. Демократия лойга қориб юборилди. Полковникдар ҳунтаси ўзининг қора байрогини Олимпнинг нақ чўққисига тикиб қўйди. Дўстимиз Теодоракис «қонунлар ҳар қандай умидимизни йўққа чиқарди, қўшиғимиз эса тутунда йўқ бўлиб кетмоқда» деган қўшиғини айтяпти. Грек халқининг эркини тортиб олишди. Акрополь соясида концентрацион лагерлар барпо этилмоқда, Афина ҳарбий лагерга айлантирилмоқда. Ҳатто аёлларга ҳам концлагерь ташкил этилди. Оналарни болаларидан, хотинларни эрларидан жудо қилмоқдалар. Бироқ, халқ ишончини йўқотганн йўқ. Озодлик кунини зориқиб кутмоқда. Қасос худоси Эрнния келиб тартиб ўрнатишига ишонаман.

Залга сукунат чўкди. Ниҳоят Зевс қатъий нутқ сўзлади:

— Бу дунёда Олимп худолари ҳокимияти ҳам, полковниклар хунтасининг зўравонлиги ҳам умрбод эмас. Эй, худолар, водийга қайтиб тушинглар-да, ҳамиша эркинликка ташна бўлган, жаҳонга демократия гуманизм ҳақидаги тушунчаларни берган, озод инсон гўзаллигини кўрсатган халқимизни курашга қўзғотинг!

Сўнгра Зевс Дионисга ўгирилди-да, эркинбгина сўз қотди: «Қани, бир коса шаробдан қуй. Кейин озроқ мизғиб оламан. Шуни ёдда тутинглар: полковникларни йўқ қилиб юбормагунларича, менн ҳечким уйғотмасин...»

«Литературная газета»дан.

Мартн ЛАРНИ

Реакцион қонунга қарши норозилик

БОНН. (ТАСС). Ғарбий Германияда студентларнинг Бонн маъмурлари томонидан олий мактаб тўғрисида чиқаришни мўлжаллаётган реакцион қонунига қарши норозилик ҳаракатлари кенгайиб бормоқда. Гейдельберг, Фрейбург, Тюбинген, Франкфурт-Майн, Нюрнберг ва Германия Федератив Республикасининг бошқа шаҳарларидаги университетларнинг студентлари намойиш ўтказмоқдалар.

Бонн маъмурлари олий мактабларидаги студентларнинг ўзўзини бошқариш органларини тарқатиб юбормоқчилар ҳамда шу университетларда таъқиб этувчи интизомий тартибларини ўрнатмоқчилар. Германия Федератив Республикасининг маъмурлари «Интизом ҳуқуқи» ёрда м и д а олий мактабларни демократлаштириш учун студентлар ўртасида кенгайиб бораётган ҳаракатни бостирмоқчилар.

Азиз Несин

Ғароиб болалар



Дадам фигони ошиб уйда гир айланиб юрган эди бирдан кўча томондан машинанинг сигнали эшитилди.

— Ана, келди! Югурларинг! Эшикни очинглар! Нимага қақ қаясанлар!! Тезроқ бўлсаларинг-чи! — бўкириб берди дадам. Узи эса бошини деразадан чиқариб, кўчага мўралади. Дадамнинг овозидан чўчиб кетган ойим жон ҳолатда эшикка қараб югурди. Очиб қарасаки, ҳеч ким йўқ.

Ойим икки кундан бери Фатўшнинг қулоғига гап қуяди. Меҳмонинг олдида уни қил-у, буни қилма, — деган мазмунда. Ойимнинг одоб дарсларим нуқул мен бор пайтда ўтади. Бунинг бир чеккаси менга ҳам тегишли бўлса керак-да.

Мана. Фатўш ясаниб олган. Ойим менга секин кўз қирини ташлаб қўйди-да, яна насиҳатга ўтди.

— Меҳмон борида одоб сақлаб ўтиргин, оппоқ қизим. Бировнинг олдида оғизга қўл тиқиб бўлмайди. Уқдингми? Инайкейин ерга тушган нарсани оғзингга солма. Ҳа, қулоғингда бўлсин. Йўталмоқчи бўлсанг, оғзингга қўлингни тут. Яна шуни билиб қўйки, меҳмоннинг олдида нонни тишлаб синдирма, керагини ушатиб ол. Хўпми, дўмбоғим? Яна мен сенга айтсам, биров сени чақириб қолса, «ҳа» деб ўтирмагин. Уят бўлади. «Ҳа» деган сўзни зинҳор оғзингга олма.

— Бўлмаса нима дейишим керак?

— Бегона одамнинг олдида «ҳа» деса, айб бўлади. Лаббай, деб жавоб бериш керак.

Ойим ҳар замон-ҳар замонда менга кўз қирини ташлаб қўяди. Бундан унча кўнгли тўлмади шекилли, шарт этиб менга ўгирилди.

— Меҳмонга бир нима демоқчи бўлсанг, олдин «афандим» дегин, ўғлим. Гапинг тугагандан кейин ҳам «афандим» деб қўшиб қўй. Хўпми?

Деразанинг тагида хўжайинини оқ қилиб ўтирган дадам бирданига «Ана, келди!» деб қичқирганича эшикка отилди. Ойнадан мўралаб қараган эдим, эшигимизнинг олдида турган ялтироқ машинага кўзим тушди. Усти қизил рангга бўялган экан.

Сал ўтмай дадамнинг:

— Буюрсинлар, афандим.. Роса бизни мунтазир қилдингиз-да, тақсир... Қани, қани, ичкарига марҳамат қилсинлар, афандим... Қадамларига ҳасанот, — деган овози келди.

Коридорга чиқдим. Дадам меҳмонни елкинтириб, пальто билан шляпасини қозиққа илиб қўйди. Бундоқ қарасам, дадамнинг хўжайини сираям мен ўйлаган девга ўхшамас экан. Кичкинагина, хушбичим одам экан. Дадам бу қишини нега ёқтирмай юрганига, ҳозир бўлса атрофида бунчалик айланиб ўргилишига тушунолмай ҳайрон бўлдим.

Фатўш меҳмонни қўлидан ўпиб саломлашди. Мен у билан қўл бериб сўрашган эдим, дадам:

— Амакингнинг қўлини ўпмайсанми, ўғлим, — деб қолди. Ноилож ўпишга мажбур бўлдим.

Дадам хўжайини билан гапга тушиб кетишди. Салдан кейин ойим уларни дастурхонга таклиф қилди.

—Йўқ, овора бўлманг, овқатга турмайман. — деб меҳмон узр сўради.

Ана, холос. Ойим шуни деб неча кундан бери типирчилаб юрган бўлса-ю, бу киши кетаман деб туриб олса! Лекин дадам бўш келмади — хўжайинини билагидан тортиб, зўрга дастурхонга ўтказди.

Дадам билан ойим типирчилаб тургани учун мен ҳам ўзимни йўқотиб қўйдим. Юрагим пўкиллаб ура бошлади. Бир пайт дадам столдаги стаканларга сув қуйиб узат, деб буюрган эди, қўлимдаги графинни дастурхонга тўкиб юбордим. Дадам:

— Кап-катта йигит бўлиб қолган бўлсанг ҳам, ҳалигача сув қуйишни билмайсан-а, — деб койиб берди. Латта билан столни артмоқчи бўлиб, ўзиям салат тўла лаганчани ағдариб юборди.

— Кечирасиз, костюмга тегмадими?— меҳмондан сўради ойим шоша-пиша унинг олдига келиб.

Тарқи одат—амри маҳол, деганидек Фатўш яна шўрвасини тўкиб юборди. Ойим уни уришиб берган эди, бечора:

— Ахир ўзингиз туртиб юбордингиз-ку,— деб уввос тортди.

— Буларингга овқатни бошқа сузиб бер, деб айтдим-ку сенга,— жеркиб ташлади дадам.

— Юм оғзингни, меҳмоннинг олдида йиғласа айб бўлади.

Ойим буни секин гапирган бўлсаям, ҳаммамиз эшитдик.

(Давоми бор)

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Дружиначилар мусобақаси

Қатор тизилган автобуслар эрта тонгдан шаҳар ташқарисига йўл олди. Колоннанинг секин ҳаракат қилишига қарамай, орадан бир соат ўтар-ўтмас белгиланган манзилга етиб келишди. Ҳамма машиналардан мусобақа анжомлари —ярадорларни кўтаришга мўлжалланган замбиллар, противогаз ва санитария сумкаларини тушира бошлади. Кўп ўтмай бу ерда Ленин район санитария дружиналарининг мусобақаси бошланади. «Ядро қуроли портлаган» ва «кимёвий моддалар билан заҳарланган» майдонларда ўтказиладиган бу мусобақаларни тўла ишонч билан тактик машғулотлар деса ҳам бўлади. Звенолар қандай шароитда ҳаракат қилишларини билишмайди. Бу ҳақдаги маълумотни мусобақанинг бош судьяси старт олдидан беради. Шунингдек, шахсий составнинг бактериологик ҳужумга қарши ҳимоя бўйича амалий кўникмалари ҳам синаб кўрилади. Мусобақада райондаги барча қорхона ва муассасалар: ўтган йилги чемпион В. И. Ленин номидаги электрон техника заводи, электротехника, 1 ва 2-автомобиль ремонти заводлари, Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти, каноп фабрикаси, химия-фармацевтика заводи ва бошқа коллективлар қатнашмоқда.

Бош судья Эмануил Яковлевич Шварц дружина командирларини тўплаб, уларни мусобақа шартлари билан таништиради. Штаб бошлиги М. И. Гомелько, Ленин район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири С. А. Акбаров, Қизил Крест ва Қизил Яримой шаҳар жамияти раисининг ўринбосари М. З. Толипов, район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Бабич ва судьялар сўнгги марта мусобақа территориясини кўздан кечириб чиқишди. Кичик ўрмон, ўт-ўланлар ўсиб ётган кенг яланглик, дарёча оқиб ўтаётган майдон уларга маъқул бўлди.

Ниҳоят, олти босқичдан иборат мусобақа бошланди. Дружиналар саф тортгандан сўнг санитарларнинг тайёргарлиги, химия воситаларидан фойдаланиш кўникмалари синовдан ўтказилади. Сўнгра сафда юриш бўйича машқ, «заҳарланган майдон»га кириш ва ундаги ишлар бажарилади. Тўсиқларни енгган ҳолда жароҳатланганларни «майдон»дан олиб чиқишга, айниқса, катта аҳамият берилди. Мусобақанинг сўнгги этапи — беморларни санитария транспортига ортиш. Ҳар бир босқични эса алоҳида судья кузатмоқда.

Ҳар бир дружина—4-5 звенодан, яъни 23-25 кишидан иборат. Ҳар звенода эса учтадан «жароҳатланган»лар бор.

Дружиналарнинг ҳаракатини кузатамиз. Мана электрон техника заводининг дружинаси. Командир шароитни бир зумда баҳолаб, звеноларга алоҳида-алоҳида топшириқ беради. «противогазлар кийилсин» командаси эшитилади. Ҳозир «заҳарланган майдон»га кириш, «жароҳатланган» ларни излаш бошланади. Қалин тутун борлиқни ўраб олган, бундай шароитда ҳаракат қилиш жуда оғир. Яна камгак биринчи бўлиб ёрдам беришни бехато аниқлаш керак. Ҳар бир нотўғри ҳаракат учун судьялар очкони камайтиришади.

Электротехника заводининг санитария дружинаси ҳам чаққон ҳаракат қилмоқда. Дружина командири Зина Абрамованинг ҳаракатлари, аниқ буйруқлари кишини қувонтиради. Зина бу соҳада анча тажрибага эга. У бундай мусобақаларда кўп қатнашган. «бемор»га қандай ёрдам кўрсатиш зарурлигини яхши билади.

Каноп фабрикаси, «Ташхимсельмаш» заводи дружиналари ҳам мусобақада актив қатнашди.

Мусобақа давомида биз кўпгина жанговар варақалар, кундаликлар билан танишиб чиқдик. Уларда санитария дружиналарининг биографиялари қайд қилинган. Дружина аъзоларининг кўпи донорлар, врачларнинг яқин ёрдамчилари.

Сўнгги дружиналар стартга чиқиб, судьялар якун ясашга киришдилар. Иш жуда кўп. Ҳамма командалар муваффақиятли қатнашди. Шунинг учун биринчи ўринни икки коллектив — электрон техника ва ўт-автомобиль ремонти заводлари эгаллашди. Иккинчи ўринда — «Ташхимсельмаш» заводи, учинчи ўринда —электротехника заводи ва «Қизил тонг» фирмаси коллективлари қайд қилинди.





СУРАТЛАРДА: каноп фабрикасининг санитария дружинаси «заҳарланган майдон»да.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ

Реклама ва эълонлар

Радио

9 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ленинча вахта идоралари» деган эшиттириш (русча). **18.10** Е. Светланов, А. Якушенко. «Сибирь фантазияси». **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радионажурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Тожик куйлари. **22.40** Шеърият кечаси. **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Г. Мушель. Виолончел ва фортепьяно учун соната. **19.30** Ўзбекистон бастакорлари янги асарлари (русча). **20.00** Далада ишлаётганлар учун концерт. **20.30** Корейс куйлари. **21.00** Петр Павленко мактуби (ўзбекча). **21.40** Москва.

10 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Чанчи Р. Неъматов чалади. **7.55** «Саломатлик — туман бойлик» (ўзбекча). **8.25** Республика санъат усталарининг концерти. **9.30** Романслар. **10.30** В. Мухатов. Турк. ман сюитаси. **11.15** Халқаро темаларда суҳбат (ўзбекча). **11.30** Тошпиқли концерт (ўзбекча). **13.30** Рақс куйлари. **15.15** Э. Хемингуэй. «Франсис Макомбернинг ўлими» (ўзбекча). **16.10** «Шон Алекперова куйлайди» деган концерт-очерк (русча). **16.50** «Правда газетасининг обзори. **17.00** Н. Мас. ковскийнинг симфоник куйлари. **18.00** «Саратовликлар усулида» деган эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси. **21.00** «Коммунистик ҳаракат — ҳозирги даврнинг энг муҳим таъсирчан сиёсий кучи» деган суҳбат. Автори — тарих фанлари кандидати Р. Норжигитов (ўзбекча). **21.15** Пахта далалари меҳнат кашлари учун концерт. **22.20** «Ойниса» балетидан рақслар. **22.40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар. К. Федин. «Доҳий сурати» (ўзбекча), **23.15** Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Ешлик ва спорт қўшиқлари. **19.00** Ешлар ижоди. **19.30** С. Прокофьев. «Вальс» сюитаси. **20.00** Тожик халқ қўшиқлари. **20.30** Оркестр куйлари. **21.00** Ойбек. «Даврим жароҳати» поэмаси асосида радиокомпозиция. **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 «Биринчи севги» спектаклининг монтажи. **14.30** Б. Александров. «Малиновкада тўй» операсининг монтажи. **16.00** Р. Вильданов. Симфония.

10 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.35** Телевизион янгиликлар. **18.50** Болалар учун. «Инонта қоғоз кема». Кинофильм. **19.05** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 19.15 Шеърият мухлисларига. МИРМУҲСИН шеърлари. **19.25** «Ишчи—фахрли ном». Телепрограмма. **20.00** «Ёш гвардия» драма театридан М. Каримовнинг «ДИИДОР» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. **22.20** «СОВЕТ КИНОСИГА 50 ИИЛ». В. Меркурьев ижодига бағишланган киноэшиттириш. (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Янгиликлар. **13.15** Ўқувчилар учун. «Инки дўстнинг юз хил ўйини». **13.45** Болалар учун телевизион театр. «Бизникига бемалол меҳмон бўлиб келавер». Телеспектакль. **15.00** Бутуниттифоқ фольклор билим фестивали. **16.30** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

ДЎСТЛИК ЭКРАНИ.

18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Бургутчалар» тележурнали. **18.30** Киноочерк. **18.40** Шеърият мухлисларига. **18.55** Концерт. **19.20** Киргизистон саноати. **19.45** Янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатишлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Эфирда «Молодость». **20.45** Адабиёт ҳақида суҳбатлар. Ёзувчи Алексей Толстой. **21.30** Беш йиллик йўлларидан. **22.00** Рангли телевидение программаси. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Телевизион фильмлар Бутуниттифоқ 3-фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Коронғилатилган дераза». Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси. **01.45** Москва кўрсатувларининг охири.

Телевизор

9 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Телевизион янгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.45 Ленинча меҳнат вахтасида. **19.00** «Давр-ларининг ҳаёт қўшиқлари». Концерт. **19.40** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Рангли телевидение программаси. **21.30** «Уралмаш коммунистлари». Телеочерк. **22.00** Р. Ребан. «Соявон арава». Телеспектакль. **22.45** «Довюрак қалб». Телеочерк. **23.25** Москвада бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларни кенгаши якунларига бағишланган эшиттириш. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Телевизион фильмлар Бутуниттифоқ 3-фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Коронғилатилган дераза». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси. **01.30** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.45 «Революция радиоси». Телефильм. **19.10** «Юлдуз» фирмаси бадиий ҳаваскорларининг концерти.

Рус тилида: **20.00** ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ. Танаффус вақтида «Кинокамера» билан Родезия бўйлаб». **23.00** «Здоровье». Илмий-оммабоп программа.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: **20.00** Болалар учун. «Капелла». Фильм-концерт. **20.15** Ҳужжатли фильм. **20.35** «Уч шеър». Фильм-балет.

Ўзбек тилида: **21.00** «Дуэль бўлмади». Бадиий фильм.

10 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.35** Телевизион янгиликлар. **18.50** Болалар учун. «Инонта қоғоз кема». Кинофильм. **19.05** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 19.15 Шеърият мухлисларига. МИРМУҲСИН шеърлари. **19.25** «Ишчи—фахрли ном». Телепрограмма. **20.00** «Ёш гвардия» драма театридан М. Каримовнинг «ДИИДОР» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар. **22.20** «СОВЕТ КИНОСИГА 50 ИИЛ». В. Меркурьев ижодига бағишланган киноэшиттириш. (рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. **13.15** Ўқувчилар учун. «Инки дўстнинг юз хил ўйини». **13.45** Болалар учун телевизион театр. «Бизникига бемалол меҳмон бўлиб келавер». Телеспектакль. **15.00** Бутуниттифоқ фольклор билим фестивали. **16.30** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 9|VII да **Пар.вона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10|VII да **Уғил уйлантириш,** 11|VII да **Ешлинда** берган кўнгил (ёзги бинода).

ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА — **Огаҳий номидаги Хоразм область театрининг гастроллари** —10|VII да **Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам.**

Кино

9 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — «ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқуруи).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Серафим Фролов севгиси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Яланғоч Маха — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кечқуруи).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади).

Аввал сен ур, Фреди! — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Минг имкониятдан бири — «ХИВА».

Ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган қотиллик — НАВОИЙ НОМЛИ.

10 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — «ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Серафим Фролов севгиси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Яланғоч Маха — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Аввал сен ур, Фреди!— «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Минг имкониятдан бири — «ХИВА».

Ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган қотиллик — НАВОИЙ номли.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

12—13 ИЮЛДА

М. ШАЙХЗОДА

МИРЗО УЛУҒБЕК

ПРЕМЬЕРАСИ

3 пардали тарихий фожиа

Режиссёрлар — Ўзбекистон халқ артисти Шариф ҚАЮМОВ ва Носир ОТАБОЕВ.

Рассом — Ўзбекистон халқ рассоми В. А. РИФТИН.

Композитор —ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. ЛЕВИЕВ.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

Касса ҳар куни соат 10 дан очиқ.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 23-мактаб томонидан Йўлдошев Шарофиддин номига берилган 396807-сонли йўлқолган

ШАҲОДАТНОМА

бекор қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КЎРЛАР ЖАМИЯТИ БОСМАХОНАСИ

кўрларга адабиёт чиқариш учун ҳарф териш ишига ўқитадиган

6 ойлик курсга

ШОГИРДЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 синф ҳажмида маълумотли, рус ва ўзбек тилларини яхши билган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Шогирдларга стипендия тўланади.

Шунингдек, муқовачиларга шогирдлар ҳам керак.

3 ойлик муддатда мустақил ишга ўтадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Самарқанд-Дарвоза кўчаси, Жиззах проезди, 80-уй.

«КАЗАХТРАНСТЕХМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 44-ВОДРЕМИГА

слесарь-сантехниклар, электромонтажчилар, газ пайвандчилар

КЕРАК

Оилаларга бир йиллик муддатга квартира берилади. Болалар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Черняков кўчаси, 70-уй (5, 12-трамвайларнинг «Сарикульская» бекати). Телефонлар 46-88, 44-71, 49-27.

УЗБЕКИСТОН КУРЛАР ЖАМИЯТИ БОСМАХОНАСИГА

юрисконсультант, полиграфия ускуналарини созловчи, кесувчилар, электрокар, электроподъёмник бошқарувчилари, юкчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақига қўшимча мукофот ҳам берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Самарқанд-Дарвоза кўчаси, Жиззах проезди, 80-уй.

«ТАШЗАГОТВТОРСЫРЬЕ» турли ташкилот, корхона автомобиль хўжаликларидан пул ўтказиш йўли билан ва аҳолидан нақд пулга саноат чиқиндилари, қайта ишланган хом ашёлар (юмшоқ буюмлар, латталар, коп-қанорлар), кераксиз картон ва қоғозлар, суяклар, автопокришка ва камераларни прейскурант баҳоси билан

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар — 19, Турк-Қўрғон проезди, 26-уй, 22-корпус. Телефонлар 4-52-09, 4-52-69.

«ТРАНСЭНЕРГОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 7-ЭНЕРГОМОНТАЖ ПОЕЗДИГА

шоферлар, автокранчилар, пармаловчи машинистлар, тракторчилар, автослесарлар, жойларга бориб ишлаш учун электр монтёрлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 46-уй (5, 7, 12, 26, 55-автобусларнинг «Товарний двор» бекати). Телефон 3-92-48-05.

«СПЕЦЭЛЕВАТОР МЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМПЛЕКТАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИГА

ишлаб чиқариш бўлими бошлиги вазифасига инженер ва техник-қурувчилар, катта инженер ва инженерлар, шунингдек, иқтисодчилар, бухгалтер, тарқатиш бўлими бошлиги, омбор мудири, секретарь-машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Х. Сулаймонова кўчаси, 41-уй.

Узбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги «УЗРЕМСТРОЙ» ТРЕСТИГА

катта инженерлар ва қурувчи-инженерлар, катта бухгалтер-ревизор, юрисконсультант, ҳисобчи-кассир

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 59 «А» уй, 4-қават, 25-хона, кадрлар бўлими.

Реклама ва эълонлар

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 9 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33 33-29-09 масъул секретарлар —33-27-22 партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42 адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55 хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, яллюст радия бўлимлари 33-27-57 саноат транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03 ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2795. Р. 04476. Индекс 64579.